Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 15-noyabr • Payshanba • 140 (27.785) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли, туб ислоҳотлар ва ўзгаришларнинг қонуний натижаси сифатида сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсиш суръати барқарор хусусият касб этди. Биргина кейинги тўрт йилнинг ўзида йиллик ўсиш суръати 7 фоиздан ошгани ҳам бунинг яққол исботидир».

☑ Таҳлил, мулоҳаза, муносабат

Ҳар ерда бор тошу тарози 2

Бизда эса таваккал қилмасдан, чуқур ўйлаб йўл тутилгани шарофати билан миллий валютамиз бир маромда поғонама-поғона мустаҳкамланиб бормоқда.

☑ Биз билган ва билмаган тарих

Шош воҳаси олимлари 3

Тошкент — ўрта аср манбаларида Шош деб номланиб, бу ердан ҳадис, фиқҳ каби илмларда кўплаб олимлар етишиб чиққан. Бу буюк алломалар «Шоший», «Тошкандий» (XVI асрдан) нисбаси билан бутун дунёга танилганлар.

☑ 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

Мурувватли момо 4

Деновлик 72 ёшли Зиёда Омонова Бойсундаги 12-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига бу йил ҳам совға-саломлар улашди.

Юксак эҳтиром ифодаси

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 18-19 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Туркманистонда бўлди. Ушбу ташриф икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ривожига янги суръат бахш этди, ҳамкорликни кенгайтириш, унинг мазмунини янада бойитиш учун янги имкониятлар очиб берди. Зеро, Ашхобод саммитида Ўзбекистон ва Туркманистон манфаатларига хизмат қиладиган қатор ҳужжатлар, жумладан, Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги давлатлараро шартнома имзоланди.

Ташриф асносида Президент Ислом Каримов Ашхоблоддаги От спорти мажмуи билан танишди. Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳаммедов мамлакатимиз раҳбарига ахалтекин зотли тулпор совға қилди. Бу Туркманистон раҳбарияти ва халқининг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга, ўзбек халқига бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромининг амалий ифодаси бўлди.

Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти спорт мажмуида 14 ноябрь куни Ўзбекистон ва Туркманистон халқлари дўстлигининг ўзига хос рамзига айланган мазкур от жамоатчиликка намойиш этилди.

Шу муносабат билан стадионга Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, От спорти федерацияси, Байналмилал маданият маркази ва кенг жамоатчилик вакиллари, Туркманистон элчихонаси ва Туркман миллий маданият маркази раҳбарлари ташриф буюрдилар.

Карнай-сурнай садолари остида от стадионга олиб кирилди.

Туркман халқи азалдан отга ўзгача меҳр билан қарайди. Буни мамлакат гербида от сурати акс эттирилгани ҳам тасдиқлайди. Туркманлар энг улуғ ва энг азиз меҳмонга от совға қилади.

Ўзбек халқи учун ҳам от ана шундай қимматли қадриятлардан ҳисобланади. Гўрўғли ва Алпомиш достонларида қаҳрамонларнинг доимий йўлдоши ва халоскори бўлган от ҳақида ажойиб тасвирлар бор. Гирот ва Бойчибор номлари барчамизга болалиқдан ёд бўлиб кетган.

Ўзбек ва туркман халқлари отни дўстлик, садоқат, саломатлик ва бирдамлик рамзи сифатида ардоқлайди. Тўйларни, оммавий сайилларни улоқ, пойга, чавандозлар баҳслари билан ўтказади.

Ўзбек ва туркман халқларининг илдизи бир, тарихи муштарак, улар асрлар давомида бир дарёдан сув ичиб, қариндошлик ришталарини қарор топтириб келган. Навоий асарлари кириб бормаган туркман хонадонини, Махтумқулини ўқимаган ўзбекни топиш қийин.

Туркманистон Президентининг ўзбек халқига туҳфаси бўлган Ривож лақабли мазкур от халқларимиз ўртасидаги азалий дўстликнинг рамзий ифодасидир.

Тантанали маросимда Президентимизнинг Туркманистонга давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтаргани, эришилган келишувлар халқларимизнинг манфаатларига хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Туркманистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси С.Пирмуҳамедов, Ўзбекистон Байналмилал маданият маркази директори Н.Муҳаммадиев, Республика от спорти федерацияси раҳбарининг ўринбосари К.Мирҳўжаев Туркманистон раҳбарининг ўзбек халқига туҳфаси мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликка, ҳурмат ва ишончга, яхши қўшничиликка асосланган ўзаро манфаатли муносабатларнинг, мустаҳкам ҳамкорлик ришталарининг белгиси эканлигини таъкидладилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов сўзга чиқди.

(ЎзА)

MARKAZIY SAYLOV KOMISSIYASI

23 ДЕКАБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Сайлов — олий демократия мактаби

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломовнинг Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртлари жамоатчилиги билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувдан кўзланган мақсад мамлакатимиз олий таълим тизими вакилларига Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Марказий сайлов комиссияси фаолияти, шунингдек, унинг доирасида ташкил этилган тадбирлар хусусида маълумот бериш эди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Таълим соҳаси вакиллари кенг жамоатчилик, биринчи галда, ёшларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг мазмуни ва аҳамиятини, демократиянинг асосий шарти бўлган эркин сайловлар, миллий сайлов қонунчилигимизнинг моҳиятини тушунтириб беришда муҳим ўрин тутади. Бу фаолиятнинг нечоғли самара беришини Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломовнинг ўтган ҳафтада ёшлар вакиллари билан бўлган учрашуви ҳам тасдиқлади.

Мулоқот чоғида бугун турли ўқув юртларида ҳар томонлама чуқур таълим олаётган, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида тарбияланаётган йигит-қизлар мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ўзгаришларда, чунончи давлат бошқарувини ислоҳ қилишда фаол иштирок этишга интилаётгани яққол намоён бўлди. Бугунги ёшлар бўлиб ўтадиган сайловда уларнинг эркин ҳоҳиш билдириши мамлакатимизни ривожлантириш учун нечоғли муҳим аҳамият касб этишини теран англайди. Буларнинг барчаси олимлар ва олий ўқув юртлари ўқитувчилари одамлар, жумладан ёшлар онги-шуурида демократик қадриятларни шакллантиришга катта ҳисса қўшаётганини яна бир карра тасдиқлайди.

Марказий сайлов комиссияси 22 нафар аъзосининг 3 нафари олий ўқув юртлари ректорларидир. 14 округ сайлов комиссияси раисларининг иккитаси ректорлардан сайланган. Бундан ташқари, олий ўқув юртларининг обрўли ва тажрибали вакиллари округ ҳамда участка сайлов комиссиялари таркибига киритилган. Олий ўқув юртлари, коллежлар, лицейлар ва мактабларнинг замонавий биноларида сайлов участкалари жойлашган. Бир сўз билан айтганда, сайловни самарали ўтказишни таълим тизими вакилларининг бевосита иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Тадбирда иштирокчилар эътибори миллий сайлов қонунчилигимизнинг ўзига хослиги, хорижий мамлакатларнинг тегишли қонунчилигидан афзал жиҳатларига қаратилди. Масалан, Ўзбекистонда барча сайлов ва референдумларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун мустақил орган – Марказий сайлов комиссияси ташкил этилган. Айрим давлатлар, хусусан Буюк Британия, Италия, Франция бу вазифани Ички ишлар вазирлиги, Миср, Покистон ва Руминияда эса суд органлари амалга оширади. Ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишдан иборат Конституциявий тамойил мамлакатимиз сайлов тизимининг асосини ташкил этади. Шу боис ҳар бир фуқаро сайловларда иштирок этиш ёки этмасликни ўз хоҳишига кўра эркин белгилайди. Баъзи хорижий мамлакатларда, мисол учун Бельгияда сайловларда қатнашиш мажбурий бўлиб, қатнашмаганлик учун жавобгарлик, жумладан сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этиш чоралари белгиланган. Бизда сайлов қонунчилигимизга биноан сайловлар умумий бўлиб, сайловчилар Президентликка номзод учун тўғридан-тўғри овоз беради. Айрим давлатлар, чунончи АҚШ ва бир қатор бошқа мамлакатларда сайловлар кўп поғонали, яъни бевосита амалга оширилади ва сайловчилар бевосита Президентни эмас, балки давлат раҳбарини сайлаш ҳуқуқи бериладиган шахсларни сайлайди. Туркияда эса давлат раҳбарини мамлакат парламенти сайлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловларнинг аниқ муддати Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилгани сайлов қонунчилигимизнинг яна бир афзаллигидир. Хусусан, Асосий қонунимизнинг 117-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайловлар тегишли равишда уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда, яъни декабрь ойининг учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда 1994 йилда «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида» махсус қонун қабул қилинган. Бундай қонун МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб мамлакатимизда қабул қилингани диққатга сазовордир. Буларнинг барчаси Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг нафақат умумэътироф этилган халқаро меъёрларга мослигини, балки унинг афзалликларини ҳам яққол тасдиқлайди.

Учрашув қатнашчилари Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир фаолияти билан ҳам таништирилди.

2-бет

☑ «Обуна — 2007»

Ҳар хонадонда биттадан газета-журнал

Денов туманида бўлиб ўтган йиғилишда шунга келишиб олинди

Туманда оммавий ахборот воситалари нашрларига 2007 йил учун обуна бўлиш қизғин паллага кирди. Корхона, ташкилот, муассаса раҳбарларининг обуна юзасидан бўлиб ўтган йиғилишида бу ҳақда таъкидланди.

— Туманда 300 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди туман ҳокими ўринбосари Хурсанд Холиқов. — 73 мингдан ортиқ хонадон мавжуд. Аммо обуна кўнгилдагидек эмас. Мамлакатимизда, дунёда рўй бераётган янгиликлар, воқеалардан бохабар бўлиш ҳар бир кишининг фуқаролик бурчидир. Шундай экан, келгуси йилда ҳар бир хонадонга камида биттадан газета-журнал кириб боришига эришишимиз лозим.

— Халқ таълими бўлими, марказий шифохона, «Сурхонозиқовқатсаноат» ҳиссадорлик жамияти ва «Қишлоқхўжаликкимё» мажмуаларида обуна яхши ташкил этилган, — дейди «Матбуот тарқатувчи» туман бўлими раҳбари Нормамат Жумаев. — Мазкур жамоаларда «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Инсон ва қонун», «Моҳият» ва бошқа нашрларга обуна кўнгилдагидек давом этмоқда.

Н.Жумаевнинг фикрини Денов почта алоқа тармоғи раҳбари Умарали Баратов шундай давом эттиради: «Жамоамизда 130 нафар киши меҳнат қилади. Халқимизга қулайлик яратиш мақсадида ҳозирда кўчма обуна тизимини йўлга қўйдик».

Ҳа, вақт кутиб турмайди. Йиғилиш сўнггида таъкидланганидек, обунани баҳамжиҳат ўтказиш бугуннинг долзарб вазифасидир. Сиз ҳам бу маърифатли ишдан четда қолманг, азиз газетхон!

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий судида

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди

Олий суд раиси Б.Мустафоев бошқарган тадбирда мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди. Бу Конституциямизда, қонунларимизда ва умумэътироф этилган халқаро нормаларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, унинг ҳаёти, дахлсизлиги, қадр-қиммати ва бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалдаги натижаларида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 1 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ҳамда 2005 йил 8 августда қабул қилинган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармонлари бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Инсоннинг яшаш ҳуқуқини мустаҳкамловчи халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан қабул қилинган мазкур фармонлар мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида босқичма-босқич амалга оширилаётган сиёсатнинг амалий тасдиғидир.

Ўзбекистонда ўлим жазоси бекор қилиниб, унинг ўрнига умрбод ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазолари киритилиши дунёнинг бу йўналишдаги илғор тенденцияларига тўла мувофиқ келади ҳамда Конституциямизда эътироф этилган инсонпарварлик ва ижтимоий адолат тамойилларини ўзида ифода этади.

Конституциямизнинг 19-моддасида белгиланганидек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир. Ҳуқуқ ва эркинликлардан суднинг қарорисиз маҳрум қилишга ёки уларни чеклашга ҳеч ким ҳақли эмас. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг прокуратура органларидан судлар ваколатига ўтказилиши ана шу конституциявий норманинг амалга ошишини таъминлайди.

Ўзбекистон ҳозирги кунга қадар ўлим жазоси бекор қилинган 122 давлат қаторига кирар экан, ушбу масалада ўз қатъий позицияси мавжудлигини, демократик ривожланиш йўлидан дадил одимлаётган мустақил давлат сифатида жаҳон цивилизациясида ўзининг мустаҳкам ўрни ва мавқеига эга эканини яна бир бор намоён этди. Зотан, дунёда миллий қонунчилигидан ўлим жазоси чиқариб ташланган мамлакатлар сони ортаётганига қарамай, бу жазо бир қатор мамлакатларда сақланиб қолмоқда, ҳатто уни қўллаш доираси кенгайиб бораётир. Айрим давлатларда ўлим жазосини бекор қилиш масаласи ҳали кун тартибига ҳам қўйилмаган.

Президентимизнинг номи қайд этилган фармонларида белгилаб берилган вазифаларни амалда қўллаш имкониятини, яъни ҳуқуқий механизмини яратишга эришиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлар маъқулланди.

2-бет

Йўлсозлик корхонаси қўл келди

Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг ҳамма соҳаларида бўлгани каби йўлсозликда ва тармоқ корхоналарида ҳам модернизация жараёнлари жадал кетмоқда.

Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманидаги Чим қишлоғида ўтган йилнинг январь ойида Япония ҳукумати гранти ҳисобига асфальт-бетон кичик корхонаси ишга туширилганди. Кўп ўтмай корхонада серунум, юқори сифат билан ишлайдиган ускуналар ўрнатилди ва соатига 30 тонна йирик ҳамда майда шағалли асфальт тайёрлаш имкони туғилди.

Ҳозир айни шундай маҳсулот мамлакатимизнинг «М-39» русумли йўл қурилишида (унинг 176-километр қисмида) қўл келаяпти. Айни чоғда бу маҳсулотлар Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли ва унинг атроф объектлари қурилишларида кенг қўлланиляпти. Жумладан, шу кунларда корхона Деҳқонобод туманидаги Чак-Чак довони қамровида — 1290-1295-километр йўл участкасини ҳам асфальт билан пешма-пеш таъминлаб турибди.

Юнус УЗОҚОВ

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Сайлов – олий демократия мактаби

(Давоми. Боши 1-бетда)

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганини эълон қилганидан сўнг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир календарь режа, ҳаракатлар дастури ҳамда бўлажак сайловга оид бошқа ҳужжатлар тасдиқланди. Ушбу ҳужжатлар округ ва участка сайлов комиссиялари фаолиятини тартибга солади, маҳаллий ва хорижий кузатувчилар фаолиятини ташкил этиш, сайлов кампаниясини молиялаштириш тартибини белгилайди ва бошқа масалаларни ҳал этади.

Учрашувда Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятида қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, мустақиллик ва адолатлилик принципларига тўлиқ амал қилаётгани, тадбирларни қонун ва календарь режада белгиланган муддатда ўтказишга алоҳида эътибор қаратаётгани таъкидланди. Бу борадаги ишлар сайлов тизимининг демократиклигини, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини таъминлашга қаратилган. Шу мақсадда 14 та сайлов округи, округ сайлов комиссиялари ва 8 мингдан ортиқ сайлов участкаси ташкил этилди. Сайлов комиссияларининг таркиби шакллантирилди.

Яқинда Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Халқ-демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатдан ўтказиш учун зарур ҳужжатлар тақдим этилди.

Сайлов комиссияларининг барча мажлислари оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилмоқда ва уларнинг фаолияти ҳақида ахборот аҳолига етказилмоқда. Марказий сайлов комиссияси ва округ сайлов комиссиялари матбуот хизматлари фаол ишламоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнлари тўғрисидаги ахборот сунъий йўлдош орқали юздан ортиқ хорижий мамлакатларга узатилмоқда.

Марказий сайлов комиссияси билан Миллий телерадиокомпания ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларини холисона ёритиш бўйича битим имзоланди. Унинг доирасида сайловга тайёргарлик кўриш бўйича ўтказилаётган барча тадбирлар ҳақида сайловчиларга тезкор маълумот берувчи «Сайлов – декмократия кўзгуси» деб аталган туркум кўрсатувлар ташкил этилди.

Учрашув амалий мулоқот, очиқ фикр алмашиш руҳида ўтди. Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов иштирокчиларнинг барча саволларига батафсил жавоб қайтарди. Саволлар, жумладан, сайлов комиссиялари фаолиятида очиқлик ва ошкоралик принципларига қандай риоя этилаётгани, сайлов давомида сайлов қонунчилиги бузилиши мумкинлигининг олдини олиш учун қандай чоралар кўрилаётгани, сайлов комиссияларининг давлат ҳокимияти органларидан мустақиллиги қандай таъминланаётгани, комиссиялар ўз фаолиятида илғор ахборот-коммуникация технологияларидан қай даражада фойдаланаётгани каби долзарб масалалар хусусида бўлди.

— Бўлиб ўтажак сайлов барчамиз учун ҳақиқий демократия мактаби бўлади, — дейди Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети проректори К.Норқулова. — Марказий сайлов комиссияси томонидан ташкил этилган ушбу учрашув биз, таълим соҳаси ходимларига зиммамизга юкланган вазифа – ўз билим ва тажрибамиздан фойдаланган ҳолда, аҳолига ва албатта, таълим олаётган ёшларга миллий сайлов қонунчилигининг барча жиҳатлари ҳамда афзалликларини тушунтириш учун ўз масъулиятимизни янада теран англаш имконини берди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови эркин ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этаётган халқимиз, жамиятимиз ҳаётида янги саҳифани очиб беради. Бу борадаги ютуқлар эса аниқ ва равшан бўлиб, мамлакатимизда давлат раҳбари сайлови бўйича сайлов кампанияси очиқлик, ошкоралик шароитида, халқаро меъёр ҳамда андозаларга жавоб берадиган қонунларга тўлиқ амал қилинган ҳолда ўтказилаётгани бунинг яна бир ёрқин далилидир.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий судида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Пленумда мазкур ҳужжатлар ижросини таъминлашга қаратилган «Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо киритилиши муносабати билан қабул қилинган қонунни қўллаш тўғрисида»ги, «Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасига оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги масалалар муҳокама этилди.

Қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини ижрочилар ва кенг жамоатчилик эътиборига етказиш мақсадида тегишли идоралар томонидан жойларда кенг жамоатчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари иштирокида кенгайтирилган ўқув-семинарлари ўтказилди.

Ушбу масаланинг ўта муҳим ва долзарблигини инобатга олган ҳолда суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судлар томонидан мазкур қонуннинг тўғри қўлланилишини таъминлаш, судлар томонидан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий, процессуал механизмларини ҳамда ягона суд амалиётини йўлга қўйиш мақсадида Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар, Адлия вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Адвокатлар уюшмаси ҳамда Тошкент давлат юридик институти вакилларидан иборат таркибда ишчи гуруҳ ташкил этилди. Ишчи гуруҳ томонидан мазкур масалалар бўйича олимлар, амалиётчилар ва бошқа давлат идораларининг фикр-мулоҳазалари олинган ҳолда пленум қарорларининг лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Мажлисда шу хусусда фикр алмашилди ва муҳокамага киритилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров иштирок этди.

(ЎзА)

Таҳлил, мулоҳаза, муносабат

Ҳар ерда бор тошу тарози

Истиқлол йилларида эришган ютуқларимизнинг асосийларидан бири мустақиллигимиз рамзи — ўз миллий валютамизга эга бўлганлигимиз десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз: **«Биз учун мутлақо янги бўлган, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган молия ва банк тизимини шакллантириш ҳамда ўз миллий валютамизни муомалага киритиш ҳам улкан аҳамият касб этди,** — деб таъкидлади Президентимиз Ислом Каримов шу йил 30 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Кўшма Мажлисида сўзлаган маърузасида. — **Албатта, миллий валютага ўтиш ва унинг қатъий тўлов қобилиятини таъминлаш осон кечгани йўқ. Лекин қанчалар қийин ва оғир бўлмасин, биз 2003 йилдаёқ унинг конвертацияси қилинишига эришдик».**

Ушбу ютуқларимиз қанчалик салмоқли ва халқаро молиявий ташкилотлар томонидан белгиланган андозаларга мувофиқлиги ва қисқа вақтда қўлга киритилганлигига иқрор бўлиш учун Юртбошимиз таъкидлаганларидек, қиёсий маълумотларга таянишимиз лозим бўлади. Масалан, бугунги кунда иқтисодий ривожланган мамлакатлардан Буюк Британия ва Франция Халқаро валюта жамғармасига 1945 йил 27 декабрда аъзо бўлган ҳолда ўзаро келишувнинг VIII моддасини фақат 1961 йилнинг 15 февралидан бажаришга киришди.

Греция ва Хитой эса 1996 йил 1 декабридан бунга амал қила бошлади. Республикамиз эса Халқаро валюта фондига 1992 йилнинг 21 сентябрида аъзо бўлган ҳолда 2003 йилнинг 15 октябриданоқ (9 йил ўтибоқ) умумий келишувнинг VIII моддасини бажаришга киришди.

Шу ўринда бир масалани алоҳида таъкидлашга тўғри келади. Дунё тажрибасидан маълумки, бундай жараённи сунъий тезлаштиришлар аслида ижобий натижаларга олиб келавермайди. Масалан, халқаро молиявий ташкилотлардан юқори фоизларда олинган кредитлар ҳисобидан миллий валютаси конвертациясига эришган Қирғизистон Республикаси бугунги кунда иқтисодий жиҳатдан мураккаб муаммоларга учрамоқда. Мустақилликларига 10 йил бўлар бўлмай, халқаро қарз берувчиларнинг Париж клубига бориб, олган кредитларини қайтариш муддатини чўзиш ва фоизини тўлашни тўхтатишни сўраганликлари, шунингдек, бошқа турли илтимослар билан ҳам чиққанликлари чуқур ўйламай ташланган қадам, шошма-шошарлик оқибати эканлиги сир эмас. Мавжуд 2.5 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги қарзни тўлаш бугунги кунда бутун қирғиз халқи зиммасига тушиб турибди.

МДҲдаги айрим мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш тенденцияси таҳлил қилинганда намоён бўладики, уларда мавжуд барча тижорат банклари ички корхоналар, ташкилотлар ва аҳоли ҳисобидан жамғарилган маблағларга эмас, балки чет элдан олинган қарз маблағлар эвазига ишлайди.

Бизда эса таваккал қилмасдан, чуқур ўйлаб йўл тутилгани шарофати билан миллий валютамиз бир маромда поғонамапоғона мустаҳкамланиб бормоқда.

Республикамизда мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлабоқ, юртбошимиз иқтисодиётда хусусий мулк устуворлигини қўллаб-қувватлади ва кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берди. Мамлакатда соҳани жамият миқёсида ривожлантиришга эришиш учун махсус дастурлар белгиланди, солиқ ва божхона тўловлари ҳамда имтиёзли банк кредитлари берилишида имтиёзлар жорий этилди.

Президентимиз таъкидлаганидек, **«Кичик ва хусусий бизнеснинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 45 фоиздан ортиб бораётгани ва у мамлакатимиз иқтисодиётидаги етакчи кучга айланиб, бозорларимизни зарур товар ва хизматлар билан тўлдириш, аҳоли даромади ва фаровонлигини оширишнинг асосий манбаи, одамларни иш билан таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишнинг муҳим омилига айлангани эътиборга сазовордир».**

Истиқболдаги режамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссасини 55-60 фоизга ошириш белгиланган ва ҳукуматимиз томонидан соҳани янада ривожлантиришга қаратилган янги имтиёзлар яратилган. Жумладан, бола парвариши билан уйда ўтирган аёлларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш учун касаначиликни ривожлантириш, кам таъминланган оилаларга чорва моллари ва паррандалар парваришлаш ҳамда уларни кўпайтириш учун сотиб олиб бериш, республикамизнинг энг чекка ўлкаларида тадбиркорликни йўлга қўйиш учун кенг тармоқли микромолиявий ташкилотларни барпо этиш сингари қатор тадбирлар ўтказилмоқдаки, буларнинг барчаси аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш, даромад базасини кенгайтириш ҳамда уларни тўла иш билан таъминлаш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Республикамиз раҳбарияти аҳолини тўла иш билан таъминлаш учун барча чораларни кўриб бораётган бўлишига қарамай, баъзи бир ҳамюртларимиз чет давлатларга иш қидириб кетаётганлигидан ҳам кўз юмолмаймиз. Аввало, шуни таъкидлаш керакки, ушбу ижтимоий жараён, яъни давлатлараро ишчи кучи миграцияси фақатгина бизнинг республикамизда эмас, балки собиқ иттифоқ таркибида бўлган барча давлатларда юзага келган табиий ҳолдир. Мазкур масалани даставвал чет элларда ишлаб юрганлар фикридан келиб чиқиб таҳлил қилсак, беихтиёр шундай хулоса чиқади: биринчидан — бир хилдаги меҳнатга республикамизда ва бошқа мамлакатларда турлича ҳақ тўланишини олинг. Кўринадики, бизда ишчи кучи арзон бўлиб, аҳоли учун зарур истеъмол товарлари нархи паст. Ўзга юртларда эса бир килограмм картошка ёки помидор ёхуд нон ва нон маҳсулотлари нархи бизнинг бозорларимиздан бир неча чандон қиммат. Шунинг учун ҳам бояги «мардикор»нинг қўлига тегадиган маошини солиштирганда, беихтиёр доно халқимизнинг «Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарозу», — деган панду насиҳати ёдингизга келади. Демак, иш ҳақи қисман биздан юқори бўлса-да, лекин озиқ-овқат маҳсулотлари (асосан қарз эвазига чет эллардан келтирилганлиги учун) қиммат бўлиб, топилган даромад нархлар фарқини қоплашга сарфланади. Иккинчидан — ўзга юртларда ишлаб пул топган инсон мумкин қадар кам харж бўлиб, ўзини ўта тежамкорлик режимига солади. Яъни оғир қўл меҳнатини бажариб, етарлича озиқланмай, «ит ётишу мирза туриш» ҳолида яшайди. Бундан ташқари, оиласи бағридан узоқда бўлишнинг ўзига яраша муаммолари бўлади. Қолаверса, бегона юртга ўзбошимчалик билан кетганлар турли фалокатларга дучор бўлаётгани ҳам бор гап. Бундай йўл билан даромад топгунча, ўз Ватанида бўлиб, ўз юрти бойлигини кўпайтиришга ҳисса қўшса, яхши эмасми?

Яна бир муаммо ҳақида тўхталишга тўғри келади. Чет юртларда ишлаб юрганлар бугун қўлига тушган пулга маҳлиё бўлиб, келажаги нима бўлишини хаёлига ҳам келтирмаяпти. Қариганда меҳнат стажи, пенсияси, яъни ижтимоий ҳимоясини қандай ҳал қилади?

Мазкур ижтимоий жараёнга макроиқтисодий ҳолат нуқтаи назаридан қарасак, яратувчанлик қобилиятига эга инсон меҳнати билан юзага келган ҳар қандай моддий бойликдан иш берувчи маълум миқдорда фойда олишни кўзлайди. Демак, арзон ишчи кучи эвазига яратилган моддий бойлик қайси ҳудудда жойлашган бўлса, ўша ҳудуд манфаатига хизмат қилади ва даромаддан солиқ тўланишини ҳисобга олганда — иш ҳақи ва фойдадан тўланган солиқ ўша мамлакат хазинасига тушади. Қолаверса, биласиз, миллий пул бирлигининг тўлов қобилияти товар моддий қиймати билан таъминланади.

Бугун мустақилликни қўлга киритганимизга 16 йил тўлиб, Республика Президенти сайловига тайёргарлик бораётган бир даврда юқорида таҳлил ва қиёс қилинган ижтимоий ҳолатнинг пайдо бўлишига давлатнинг иқтисодий-ижтимоий сиёсатини тушунган ҳар биримиз ўзимизни ҳам бу жараёнларга масъул деб билмоғимиз жоиз. Чунки ҳар бир ишни давлат зиммасига ағдариб, «Ҳукумат ҳал қилиши керак», — дея қўл қовуштириб ўтирсак ва қўшнимиз ёки маҳалладошимиз (айниқса, ёшлар) ўзга юртлардан иш қидириб юрганини билсагу, бефарқ бўлсак, давлатлараро меҳнат тақсимоти балансида юзага келадиган манфий натижа биз учун фойда бермайди.

Бугунги кунда ишлайман деганга ҳар бир маҳалла ва туманда иш топилади. Ҳунармандчиликми, тадбиркорликми, фермер хўжалиги ёки касаначилик орқалими, ҳалол меҳнат қилиб, ҳаёт кечираман деганга кенг имкониятлар, имтиёзлар, қонуний асослар яратилмоқда. Фақат қаноат бўлса бас. Аммо сабр ва қаноатни билмаган баъзи ҳамюртларимиз борки, бирданига мўмай даромад топиш илинжида четга иш излаб бориб, пировардида, аросатда қолмоқдалар. Бир мисол: бундан 3-4 йил муқаддам бир қишлоқ йигити Греция мамлакати меҳнат биржасига қатнашиб, чорвачилик билан шуғулланадиган мулкдорнинг фермасига шартнома асосида ишга ёлланади. Дастлаб фермадаги ишлар (молларни суғориш, озиқлантириш, тагини тозалаш ва ҳ.к) автоматлаштирилганлигини кўриб, ҳавас билан иш бошлайди. Кун тартиби шундай тузилган эканки, эрта тонгдан то кечгача ҳар бир ишни бажариш дақиқалар билан белгиланган экан. Бирини қўйиб, иккинчисини бажариб бўлмайди. Шу даражада кўп ишлаш керак эдики, навқирон йигит бир ойга етар-етмас ишдан бўшатишни сўраб, мулк эгасига мурожаат этса, мулкдор унга ҳақли равишда ўзаро тузилган шартномани кўрсатибди. Уч ой деганда элчихона раҳбарлари ёрдами билан шартнома бажарилишидан озод этилиб, у қишлоғига қайтиб келади. Шунда илгари давлат идораларида ишлаб, ҳозир нафақада бўлган бир мўйсафид ўша йигитдан қишлоқдаги тенгқурларини йиғиб, уларга чет мамлакатда ишлаш жадвалини тушунтириб беришини сўрайди...

Йиғилиш шундай тугабдики, ёшлар ўзаро молиявий бирлашиб, дастлаб қуёшда мева қуритиб, уни тайёрлов корхоналарига топшириб, кейин банк кредити ёрдамида мева қуритиш ва қадоқлаш машиналари сотиб олиб, нафақат ўзлари, балки кўпчилик аёллар ҳам иш билан таъминланибди. «Савоб ишни ҳар кун, ҳар ким қилиши керак», — деганлари шу-да!

Ҳозир республикамизда шундай корхоналар жамоалари мавжудки, улар ўз фаолиятлари ҳақида макро-иқтисодий нуқтаи назардан келиб чиқиб, аҳоли орасида кенг тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар. Масалан, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши «Маҳалла» жамғармаси ташкилотчилигида Республика Марказий банки «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки билан биргаликда маҳаллаларда иқтисодий ўқув ташкил қилишни режалаштирган. Ўқувда аҳолига тадбиркорлик қилишлари учун барча имкониятлар яратилганлиги, банк тизими амаллари (жумладан, кредит олиш, омонатларни сақлаш, қимматли қоғозларни сотиб олиш, пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилиш) асосида даромад топиш мумкинлиги, бунда фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинганлиги ва имтиёзлар яратилганлигини атрофлича тушунтириш кўзда тутилган.

Шунингдек, бу борада ҳар бир маҳаллада тренинглар тайёрланиб, таянч шохобчалари очилиши ҳам режалаштирилган. Агар шундай тадбирларни бошқа вазирликлар, банклар ва муассасалар ҳам ўтказишга киришсалар, бу — аввало шу ташкилотнинг ўзига фойда бўлиб, аҳолининг молия муассасаларига ишончи ортган, тадбиркорликка бўлган ихлослари ошган ва охир-оқибат — аҳоли бандлиги ўсиб, даромадига даромад қўшилган бўларди.

Ашур ҚОДИРОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

Бошланғич партия ташкилотларида

Фуқаролик нуқтаи назарини шакллантириш

бошланғич ташкилотнинг асосий вазифаларидан бири

Пойтахтимиздаги «Сувмаш» очиқ акциядорлик жамияти насос ва электромашиналар ишлаб чиқаришга ихтисослашган Марказий Осиёдаги ягона корхона. Бу ерда пахта ва бошқа экинларни суғориш, қудуқлардан сув тортиб олиш, сизот сувлари сатҳини пасайтириш, шаҳар ва қишлоқ шароитида сув билан таъминлашда фойдаланиладиган ускуналар ишлаб чиқарилади. Бу насослар қишлоқ хўжалигида ҳам, шаҳар шароитида ободонлаштириш билан шуғулланадиган корхоналарга ҳам жуда зарур. Ана шу маҳсулотларни ишлаб чиқаришда бу ерда 362 нафар ишчи-хизматчи, инженер-техник ходимлар меҳнат қилади. Уларнинг 40 нафари ХДП аъзоларидир.

Бошланғич ташкилот раиси Башорат Мирзатованинг фикрича, жамоа аъзоларининг сиёсий қарашларини шакллантиришда, ҳуқуқий онгини юксалтиришда бошланғич партия ташкилотининг ўз ўрни бор. Табиийки, бундай натижага маълум бир сиёсий воқеа арафасидаги тарғибот-ташвиқот ишлари билангина эришиб бўлмайди.

Корхона раҳбари, ЎзХДП фаоли Игорь Пророков маънавияти юксак, дунёқараши кенг, сиёсий онги шакланган ходим билан ишлаш осон бўлишини тушунган одам. Шунинг учун ҳам бу бордаги ишларда бошланғич ташкилот фаолларидан ёрдамини ҳеч қачон аямайди. Корхона ҳовлисига кираверишда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намуналари билан бир қаторда турган каттагина стенд эътиборингизни тортади. Бунда турли эълонлардан ташқари, бир неча номдаги газеталарнинг янги сонлари илиб қўйилган. Танаффус, дам олиш пайтларида ана шу газеталарни ўқиётган, янгиликлардан бохабар бўлаётган ишчи-хизматчиларни ҳам учратасиз.

— Ҳар йили 30дан зиёд матбуот нашрларига обуна бўламиз, — дейди корхона маънавият маркази раҳбари, ЎзХДП аъзоси Абдуҳамид Пардаев. — Ана шу нашрлар, турли суҳбатлар, фикр алмашувлар оҳанрабоси туфайли маънавият хонаси ҳеч қачон бўш бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови арафасида эса Абдуҳамид Пардаевнинг ишлари янада кўпайган. Жамоа аъзолари Марказий сайлов комиссияси фаолияти, сайловчининг ҳуқуқлари билан қизиқадилар. Абдуҳамид эса ўз навбатида бу саволларга жавоб излаб қонунларга, рисолаларга ва албатта, турли нашрларга мурожаат қилади.

— Айниқса, «Ўзбекистон овози» газетасидаги «Сайлов ҳақида саволингиз борми?» рукни ишимни анча енгиллаштиряпти, — дейди у. — Худди кўнглимиздаги саволларга жавоб топяпмиз. Тарғибот ишларида сайловнинг аҳамияти, моҳияти, ҳар биримизга тақдиримизда тутган ўрнини тушунтиришда ундан фойдаланяпмиз.

— Оддий ишчилар ҳам Президент сайловида овоз бериш орқали ўз келажаги қандай бўлишини белгилашини англаб етганлигини кўрсатиб, ўзаро тузилган шартномани ҳурматини жойига қўйиш борасидаги ишларидан мамнунмиз.

Ишчи қизнинг сўзлари ҳам, жамоада олиб борилаётган ишлар ҳам бир нарсани англатиб турибди: бошланғич ташкилот партия Дастурида қўйилган вазифалар, жумладан, «...кишиларда фаол фуқаролик нуқтаи назарини шакллантириш, ўз Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини идрок этиш...» кўникмаларини шакллантириш борасида ибратли натижаларга эришмоқда. Асосий мақсад-муддао ҳам шу эмасми аслида?!

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: *бошланғич партия ташкилоти раиси Башорат Мирзатова (ўртада) фаоллар билан*

Болаларнинг севимли маскани

Фарғона туманидаги Миндон қишлоғида жойлашган «Биоэкосан» марказида 20 дан ортиқ тўгарак фаолият юритмоқда. Бу ерда ўқувчилар бўш вақтларини ўзлари қизиққан соҳалар бўйича тўгаракларда ўтказадилар.

Марказда минг нафардан ортиқ ўқувчи гулчилик, сабзавотчилик, ҳамширалик сирларини ўрганмоқда.

— Биз ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олиб, турли йўналишларда иш олиб борамиз, — дейди Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги мактабдан ташқари муассасалар маркази раҳбари Шуҳратжон Қирғизов.

Суратда: *«Биоэкосан» марказининг гулчилик тўгараги раҳбари Шоира Мирзараҳимова шогирдлари билан.*

Муқимжон ҚОДИРОВ
(ЎзА) олган сурат.

Биз билган ва билмаган тарих

Ислом Конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ихтисослашган тузилмаси — ISESCO томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда «Ислом маданиятининг пойтахти» деб эълон қилинган. Мамлакатимиз бош шаҳрига ушбу юксак мақом берилишининг ўзига хос тарихий ва замонавий асослари мавжуд. Бу олий мақом буюк аждодларимизнинг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссаси ҳамда мамлакатимизда истиқлол йилларида миллий-диний қадриятларни тиклаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг дунё миқёсида эътироф этилишидир.

Шош воҳаси олимлари

Бугун фахр билан айта оламизки, кўҳна тарихимиз бой илмий-маданий меросга эгалиги билан жаҳон цивилизациясида ўзига хос ўрин тутади. Жумладан, маданиятимиз тараққиётида ўрта асрлар (IX-XII) муҳим аҳамият касб этади. Ушбу давр нафақат юртимиз, балки бутун Марказий Осиё халқларининг дунё маданиятига беқиёс улуш қўшган даври сифатида тарих саҳифаларига муҳрланди. Юртимизда асос солинган бой маданий анъаналар нафақат шу замин, балки бошқа ҳудудлардаги мусулмон маданияти ривожига ҳам катта таъсир кўрсатди. Бухоро, Самарқанд, Насаф (Қарши), Термиз, Хива, Шош ва бошқа шаҳарлар бутун мусулмон Шарқидаги маданий марказлар қаторида ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлди.

Тошкент — ўрта аср манбаларида Шош деб номланиб, бу ердан ҳадис, фиқҳ каби илмларда кўплаб олимлар етишиб чиққан. Бу буюк алломалар «Шоший», «Тошкандий» (XVI асрдан) нисбаси билан бутун дунёга танилганлар. Воҳада ўрта асрларда ислом илми бўйича фаолият юритган 100 дан ортиқ олимлар бўлгани маълум. Жумладан, машҳур муҳаддис сифатида танилган Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб Шоший (вафоти 947 й.), «Ҳазрати Имом» деб улуғланган Абу Бакр Қаффол Шоший (904-976) ҳамда «Фахр ул-ислом», «ал-Имом ал-кабир» номларига сазовор бўлган Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший (1038-1114) номларини бу ўринда алоҳида қайд этиш жоиз.

Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб Шоший ишончли муҳаддис бўлиб, ҳадис илмига катта ҳисса қўшган. Унинг тўлиқ исми — Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб ибн Сурайж ибн Маъқил Шоший Бинкасий Туркий Адибдир. У Шош воҳасининг бош шаҳри Бинкасда туғилган. Унинг ҳаёти ва фаолияти Моваро‌уннаҳр ҳамда Хуросонда ҳадис илми ривожланган олтин давр — ҳижрий учинчи асрга тўғри келади. Ҳайсам ибн Кулайб Шош******ий илм-маърифат ўрганиш мақсадида Бухоро, Самарқанд, Насаф, Термиз каби шаҳарларга сафар қилган. Унинг устозлари жуда кўп бўлиб, эллликдан ортиқ машҳур олиму машойихлардан ҳадис ўрганган ҳақида ёзиб қолдирилган. Алломанинг энг машҳур устозлари термизлик буюк муҳаддис Абу Исо Муҳаммад Термизий, маккалик Абул Ҳасан Баговийлардир.

Ўз навбатида Ҳайсам ибн Кулайб Шоший ҳам кўплаб шогирдлар етиштирган. Улар орасида Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Манда Исфаҳоний, Абулқосим Али ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳасан Хузоъий, Абу Наср Бухорий Калабозий, Мансур ибн Наср ибн Абдураҳим Самарқандий каби таниқли олимлар бор. Шошлик муҳаддис илмий фаолиятининг аксар қисми Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида кечган. Умрининг охирги йиллари Бухоро‌дан Шошга келган ва 947 йили шу ерда вафот этган.

Ўрта аср араб муаллифлари бу юртдошимиз номини «Имом Шоший» дея эҳтиром билан тилга олиб, уни ҳадис илмининг машҳур алломаларидан бўлганини алоҳида қайд этишган. Имом Шошийнинг «Муснад» («Муснади Кабир») номли асари тўлиғича ҳадисларга бағишланган. Бу асарнинг ягона қўлёзма нусхаси яқин вақтгача Дамашқ шаҳридаги «аз-Зоҳирия» кутубхонасида сақланган, кейинчалик нодир қўлёзмалар сақланадиган «Мактабат ал-Асад» номли кутубхонага ўтказилган. 192 варақдан иборат ушбу қўлёзма милодий 1163 йилда хаттот ал-Ҳофиз Зиёуддин ал-Муқаддасий томонидан насх хатида кўчирилган.

Маълумки, VIII-X асрларда кутубхоналар аввало масжидларда вужудга келган. Сўнг йирик олимлар, амалдорлар томонидан шакллантирилган. Умуман, ўша даврларда китобга қизиқиш, уларни тўплаш ва сақлаш маърифатга интилишнинг муҳим эҳтиёжига айланди. Масжид-мадраса ва саройларда кутубхоналар сони ортиб борган. Айниқса, Бухоро, Самарқанд, Марв, Урганч каби маданият ўчоқларидаги мавжуд катта кутубхоналар ҳозиргача машҳур.

Ўша даврда Имом Абдуллоҳ ибн Абу Авона Шоший, Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Ҳомид Шоший, Абу Саъид Исо ибн Солим Шоший, Абу Муҳаммад Жаъфар ибн Шуайб Шоший, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Хузайм Шоший, Абу Али Ҳасан ибн Соҳиб ибн Ҳамид Ҳофиз Шоший, Абуллайс Наср ибн Ҳасан ибн Қосим Шоший Тункатий, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Хузайм ибн Қумайр ибн Ҳоқон Шоший каби кўплаб муҳаддислар ислом дунёсининг турли шаҳарларидаги мадрасаларда ҳадис илмидан сабоқ беришгани, кутубхоналарда диний билимларнинг айрим масалалари бўйича мунозаралар ўтказишгани манбаларда зикр этилади.

Хусусан, йирик муаррих Абу Саъд Самъоний (1113-1167) «Ансоб» («Насабнома») асарида Тошкентни *«Сайхун дарёси ортидаги, турклар билан чегарадош шаҳар бўлиб, у «Шош» деб аталади»* дея таърифлаган. Шунингдек, у бу ердан кўплаб имомлар етишиб чиққани, Абдуллоҳ ибн Авона Шоший шулардан бири эканини қайд этган. Бу олимдан буюк муҳаддис Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, Жаъфар ибн Муҳаммад Фирёбий ва бошқалар ҳадис илмидан таълим олишган. Унинг жияни Абу Али Фазл ибн Аббос Шоший илм талабида Марв ва Ирокда бўлиб, Али ибн Ҳожар, Аҳмад ибн Ҳанбалдан ҳадис илмини ўрганган. Абу Али Фазл ибн Аббос Шошийдан бутун Шош аҳли таълим олган.

Яна бир таниқли муҳаддис Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Хузайм ибн Қумайр Шоший Ҳарашкат шаҳарчасида туғилган. Манбаларда қайд этилишича, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Хузайм Шошийдан милодий 930 йил шаъбон ойида Шош шаҳрида Абу Ҳотам ибн Ҳиббон, Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳамавайҳи Сарахсий ва бошқалар ҳадис ривоят эшитишган. Машҳур муаррих Шамсуддин Заҳабий (1274-1348)нинг хабар беришича, Сарахс шаҳри хатиби ибн Ҳамавайҳи Иброҳим ибн Хузайм Шошийнинг «Муснади кабир» ва тафсирини ўрганган. Маълумки, Сарахс хатиби Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳамавайҳи Имом Бухорий «Саҳиҳ»ининг ровийларидан бўлган. У Иброҳим ибн Хузайм Шоший ва Аббос ибн Умар Самарқандийдан кўплаб ҳадислар ривоят қилган.

Ислом оламида Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби юксак даражага эришган кўплаб буюк алломалар орасида Имом Абу Бакр Қаффол Шоший ҳам бор. Замондошлари «Ҳазрати Имом» деб улуғлаган бу зотнинг тўлиқ исми — Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шоший бўлиб, манбаларда унга алоҳида ҳурмат бажо келтириш учун номига «катта», «улуғ» маъносини ифодалайдиган «Кабир» сўзини қўшиб ёзадилар.

Ўрта асрларда йирик илм-фан, айниқса, ислом маданиятининг етук намояндаси сифатида танилган шошлик алломалардан бири — фақиҳ Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший (1038-1114)дир. «Фахр ал-ислом» («Ислом фахри») сифатида шуҳрат қозонган бу олим Бағдоддаги фуқаҳоларнинг раиси бўлган. Шошда туғилиб ўсган бу олим Бағдодда машҳур фақиҳ Абу Исҳоқ Шерозий, Абу Наср ибн Саббоғлардан фиқҳ илмини ўрганиб, имом даражасига етган. Бу ердаги улуғ шайх Абу Исҳоқ Шерозийнинг яқин шогирди бўлиб, катта, улуғ имом (Имом Кабир) даражасига эришган.

Шошлик машҳур алломалар орасида Тошкент вилоятининг Боғистон қишлоғида туғилган Шайх Умар Боғистонийнинг ўғли Шайх Хованд Таҳур (вафоти 1359й.) ҳам бор. У ўзининг билими туфайли мусулмон оламида катта нуфузга эга бўлди. Бу зот илми зоҳирий ва илми ботинийда соҳиб каромат шайхлар орасида юксак мақомга эришади. У дафн этилган жой зиёратгоҳга айланади. XV асрнинг иккинчи ярмида Хожа Аҳрор унинг қабри устига мақбара қурдиради.

Марказий Осиё ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий тафаккур ривожида муҳим ўрин тутган шахслардан яна бири Хожа Убайдулло Аҳрордир. У ҳижрий 806 йил рамазон ойида (милодий 1404 йил, март) Тошкент вилоятининг Боғистон қишлоғида дунёга келган. Унинг отаси Хожа Маҳмуд ва боболари маърифатли кишилар бўлиб, деҳқончилик, тижорат билан шуғулланишган. Онаси Хожа Довуднинг қизи бўлган. Хожа Довуд эса Шайх Хованди Таҳурнинг ўғлидир. Шайх Ховандн Таҳурнинг отаси Умар Боғистоний бўлиб, у Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳурмат ва эҳтиромига сазовор бўлган шайхлардан биридир. Ўз даврида уламолар ўртасида катта нуфузга эга бўлиб, «валий» сифатида танилган бу аллома, аҳли тариқат пешвоси, яхшиларнинг қутби ва авлиёсига айланган бетакрор шахс сифатида бир неча асрки эҳтиром билан тилга олинади.

Умуман, ўрта асрлар Шош воҳаси ижтимоий-маънавий ҳаётида бу каби яна ўнлаб олимлар маълум ва машҳур бўлган. Буюк ипак йўлининг муҳим нуқталаридан бирида ҳамда Моваро‌уннаҳрнинг чегара қисмида жойлашган бу воҳа жўғрофий жиҳатдан ҳам кенг имкониятларга эга бўлиб, бу ушбу заминда ислом илмлари билан бирга ижтимоий-маънавий соҳаларга оид қатор билимлар тараққий этишига хизмат қилган. Воҳада яшаб фаолият кўрсатган алломалар эса нафақат юртимизда, балки бутун Шарқ оламида ҳам катта шуҳрат қозонишган.

Неъматулло МУҲАМЕДОВ,
Тошкент ислом университети катта ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди.

Парламент сайловларида қатнашмайди

Иккинчи бор уй қамоғига олинган Покистоннинг собиқ бош вазири Беназир Бхутто келгуси йил февралда бўладиган парламент сайловларида ўзи ва у етакчилик қилаётган мухолифатдаги Покистон халқ партияси қатнашмаслигини маълум қилди. Унинг бу борадаги баёнотини Буюк Британиянинг «Скай» телекомпанияси эфирга узатди.

Беназир Бхутто яна шуни таъкидладики, мамлакатда демократияни тиклаш учун Покистоннинг собиқ бош вазири Навоз Шариф билан ҳамкорликда иш олиб боришга бел боғлаган.

ИТАР-ТАСС хабарига кўра, мамлакат полицияси Б.Бхуттони Лахорда уй қамоғига олган (ўтган ҳафта охирида ҳам у бир кеча-кундузлик муҳлат билан уй қамоғига олиниб, эртаси куни озод этилган эди). Энди эса 7 кун давомида уйда ўтириши лозим.

Бхутто ўз тарафдорлари билан 13 ноябрь куни Лахордан Исломободгача (300 километр) президент Парвез Мушаррафа томонидан жорий қилинган фавқулодда ҳолатга қарши ҳамда армия қўмондонлигидан воз кечишини талаб этиб, оммавий марш ўтказишни режалаган эди. Эндиликда бу маршда Бхутто қатнашолмайди, шунинг учун Покистон халқ партияси фаолларидан иборат 100 киши ўз автомобилларида Лахордан Касур шаҳрига қараб юришни бошлади. Партия вакилларининг айтишларича, йўл-йўлакай уларга минглаб тарафдорлари қўшиладилар. Ушбу акция уч-тўрт кун давом этади.

Карачи шаҳрининг бир неча туманида эса Бхутто тарафдорлари унинг озод этилишини талаб қилиб, норозилик намойишини бошладилар.

«Sky News» телеканали хабарига кўра, намойишчиларнинг полиция билан тўқнашуви юз берган. Жабр кўрганлар йўқ. Полиция Бхуттонинг 40 нафар тарафдорини қўлга олган.

Телерекламага қарши

Москва шаҳар мэри Юрий Лужков пойтахтни ривожлантиришнинг мақсадли дастурига бағишланган шаҳар маъмурияти мажлисида телевиденеда рекламани қисқартириш ҳақида фикр билдирди. Унинг айтишича, кейинги пайтда рекламаларнинг кўплигидан телевизор кўриб бўлмай қолди, рекламаларнинг қайтариқлари шунчалар одамнинг асабига тегадики, натижада бу рекламалар

антирекламага айланиб кетмоқда.

Яқинда ўтказилган сўров натижалари шуни кўрсатмоқдаки, россияликларнинг 56 фоизи телерекламалардан норози, 65 фоиз аҳоли эса почта қутиларига ташлаб кетилаётган рекламалардан безор бўлган бўлса, 29 фоизига кўчаларга осиб қўйилаётган ташқи рекламалар умуман ёқмайди.

«Эхо Москвы» радиостанциясининг хабар беришича, пойтахтнинг мақсадли дастурида ташқи рекламаларнинг ҳам ўсиш даражасини пасайтириш назарда тутилган. Бугунги кунда унинг ўсиш суръати Россия бўйича 26 фоизни ташкил этаётган бўлса, 2010 йилга бориб, бу ўсиш 16 фоизга туширилади. Москвада эса бу йил 50 фоиздан 46,5 фоизга, 2010 йилгача эса 12 фоизгача камайтирилади.

Иш ташлаш шанбагача давом этади

Германияда локомотив ҳайдовчилари касаба уюшмалари чоршанбадан шанбагача иш ташлаш эълон қилди. Барча жавобгарликни эса уларнинг ультиматум тарзидаги аввалги талабини бажармаган «Deutsche Bahn AG» темир йўл тизими раҳбарияти зиммасига юклади.

«Новости» АА хабарига кўра, иш ташловчилар локомотив машинистларининг маоши 31 фоиз оширилишини ва алоҳида тариф келишуви имзоланишини талаб қилишмоқда.

Маълумотларга қараганда, иш ташлаш ўсиб борувчи икки босқичдан иборат. Кеча юк поездлари тўхтаган бўлса, бугундан эса узоқ манзилларга қатновчи йўловчи поездлари ҳам тўхтайди.

Германия бўйлаб кенг миқёсдаги «стоп-локомотив» акцияси шанбагача давом этади.

Коинотдаги чиқиндилар



Ҳисоб-китобларга қараганда, бугунги кунда Ер орбитасида 12 мингдан ортиқ яроксиз фазовий объектлар — ишдан чиққан сунъий йўлдошлар, унинг блоклари, ракетани фазога олиб чиққач, ажралиб кетувчи техник қисмлар ва бошқа воситалар бор экан.

АҚШнинг Аэронавтика ва фазовий кенгликлар тадқиқоти бўйича миллий бошқармаси (NASA) бўлимларидан бири тақдим этган манбаларга асосланиб «Интерфакс» АА бу ҳақда хабар тарқатди.

NASA ҳисоботида Ер орбитасида 12351 та сунъий объект борлиги қайд этилган (шу йил 3 октябргача бўлган ҳолат). Шундан 4310 таси собиқ совет даврида ва Россияда ишлаб чиқарилган ракета (2949 та) ва сунъий йўлдошлар (1361 та) қисмларидир. Ҳозирги кунда фаолиятини давом эттираётган Россия сунъий йўлдошлари 100 дона атрофида. Қолганлари ишдан чиққан.

АҚШ ҳисобида эса 4188 та фазовий сунъий объект мавжуд бўлиб, 3115 таси ракета қисмлари бўлса, 1073 таси сунъий йўлдошлардир. Бу фазовий аппаратларнинг 400 тадан ортиғи бугунги кунда ҳам фаолиятини давом эттирмоқда.

Хитой ҳисобида жами 2631 та сунъий объект унинг ҳисобида бўлса, шундан 2568 таси ракета қисмлари, 63 тасини ҳозир ҳам ишлаётган ва ишламаётган сунъий йўлдошлар ташкил этади.

Франция ҳисобида 362 та фазовий техника орбитада «сайр» қилиб юрган бўлса, Японияники 172 та, Ҳиндистонники 141 та, Европа фазо агентлигиники 73 та. Қолган мамлакатлар ҳисобига 474 та коинот объекти тўғри келади. Уларнинг 386 таси ишлаётган ва ишламаётган сунъий йўлдошлар бўлса, 88 таси ракетанинг орбитага чиққанда ортиқча бўлиб қолгани учун ўзидан соқит қилган бўлакларидир.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

Тегишли чоралар кўрилади

Газетамизнинг шу йил 25 сентябрь сонида турли яхна ичимликлардан фойдаланиш, уларнинг фойда-зарари ва сақланиши ҳақида мулоҳазали мақола эълон қилинган эди. Яқинда Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигидан ушбу мақолага муносабат билдирилган жавоб мактуби келди.

«Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария-эпидемиология назорати Бош бошқармаси томонидан ***«Яхна ичимликлар қуёш тиғида сақланиши мумкин эмас»*** *мақоласи ўрганиб чиқилди ва бу ҳақда қуйидагиларни маълум қиламиз.*

Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги Ўзбекистон Республикасининг «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуни, 0138-03-сонли «Озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқа хомашёсининг озуқавийлик қиймати ва хавфсизлигига оид санитария меъёрлари» ва бошқа қонунлар ҳамда меъёрий ҳужжатлар асосида назорат қилиш ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 6 июлдаги 318-сонли қарорига асосан яхна ичимликларни тайёрлашда ишлатиладиган компонентлар, қадоқланадиган идишлар ва уларнинг қопқоқлари Давлат санитария-эпидемилогия назорат марказлари томонидан хавфсизлик кўрсатгичлари бўйича текширилади ва ўтказилган лаборатория таҳлиллари натижасига кўра гигиеник сертификат берилади.

Яхна ичимликларни ишлаб чиқаришда аксарият корхоналар томонидан «Аспартам» ширинлик берувчи модда ишлатилади. «Аспартам» 2 та аминокислота — аспораген ва фенилаланин қўшимчаларидан иборат бўлиб, унинг ширинлик даражаси шакардан 200 баробар юқори. «Аспартам»да моно ва дисахаридлар бўлмаганлиги сабабли, қонда гипергликемия (қонда қанд миқдорини кўпайиши) ҳолатини юзага келтириш хусусиятига эга эмас. Шу сабабли бу модда қандли диабет билан касалланган беморлар учун маҳсулотлар ишлаб чиқаришда шакар ўрнида ишлатилади. Таъкидлаш жоизки, яхна ичимликлар 40 даражали иссиқликдан юқори ҳароратда сақланса, «Аспартам» 2 та аминокислотага парчаланиб кетади ва ичимликдаги ширинлик миқдори камаяди.

Амалдаги меъёрий-техник ҳужжатларда ва яхна ичимликларнинг ёрлиқларида улар ҳаво ҳарорати 0 дан 20 даражагача бўлган, тоза, қуруқ, нисбий намлик 75 фоиздан юқори бўлмаган жойларда сақланиши ва сотилиши белгиланган. Бироқ айрим тадбиркорлар ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан яхна ичимликларни юқорида қайд этилган сақлаш ва сотиш қоидаларига амал қилмасдан, савдо дўконлари ҳовлисида, дўкон олдидаги йўлакларда ва кўчаларда сотиш ҳолатлари мавжуд.

Санитария-эпидемиология хизмати томонидан ўрнатилган тартибда олиб борилаётган назоратлар пайтида юқорида қайд этилган ҳолатлар аниқланганда амалдаги қонун ва меъёрий талабларни бузаётган жавобгар шахс ва фуқароларга нисбатан тегишли чоралар кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария-эпидемиология назорати Бош бошқармаси бошлиғи С.САИДАЛИЕВ»

Навоийдан хорижга

Бугунгача маҳаллий йўналишлардаги самолётларгагина мўлжалланган республика аҳамиятидаги аэропорт эндиликда халқаро мақом олди. Кейинги икки йиллик қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етди. Навоий энди Работи Малик чўли кенгликларидан туриб дунёнинг исталган нуқтасига «бўй чўзадиган» бўлди.

Янги аэропорт халқаро экспертлар, кенг жамоатчилик вакиллари, чет элга учиш истагида бўлган йўловчилар билан тўлди. Карнай-сурнайлар садоси остида илк халқаро парвоз — «Андижон — Навоий — Москва» йўловчи лайнери ҳавога кўтарилди. Бу — келгусида Навоийда «ТУ-154», «Руслан», «Боинг» сингари гигант самолётлар ҳам учиб-қўнишидан дарак беради.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози« мухбири.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

«Бухоро» халқаро аэропорти

Қурилишни тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича такроран танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

«Бухоро аэрапортидаги ҳаво кемаларининг тўхташ жойлари МС № 3-6, перрон №1ни кенгайтириш ва РД-4-7 бурилиш йўлакларини мукаммал таъмирлаш»

Қурилиш ишларини бажариш муддати — ўн ой.

Қурилиш ишлари буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Буюртмачи манзили:
Бухоро шаҳри, Б.Нақшбанд шоҳ кўчаси, 251-уй. Факс: 225-07-07, тел.: 225-15-17.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: устав сармояси миқдори, танлов савдолари предметининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағлар ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга ҳамда ўзаро ишончга, шунингдек, етарли ишчи кучи захираларига эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳар, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел.: 223-96-29. Факс: 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўплами (комплект) қиймати — 60000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари очилиш куни ва соатида қабул қилиниб, танлов қатнашчилари ва оферентлар иштирокида очилади.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзил: **Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хонада соат 10.00 да бўлиб ўтади.**

Ўзбекистон — 3 Сьерра-Леоне — 0

Анталиядан (Туркия) махсус мухбиримиз Эркин Холбобо хабар қилади:

Футбол бўйича ампутантлар ўртасида ўтаётган VIII жаҳон чемпионати баҳслари кундан-кунга қизғин тус олмоқда. Анвар Исмоилов бош мураббийлигида мусобақада қатнашаётган Ўзбекистон терма жамоаси гуруҳ босқичи иккинчи тур учрашувида украиналиклар билан куч синашиши лозим эди. Бироқ кун бўйи кучли ёмғир ёққанлиги боис ўйин бошқа кунга қолдирилди.

Кеча эса учрашувлар давом эттирилди. Чемпионатнинг «В» гуруҳида иштирок этаётган футболчиларимиз Сьерра-Леоне терма жамоасига қарши майдонга тушишди. Бирмунча асабий руҳда кечган мазкур ўйиннинг иккинчи бўлими бошида терма жамоамиз аъзоси Азиз Абдураҳмонов майдондан четлатилди. Вакилларимиз бир ўйинчи кам бўлиб ҳаракат қилганликларига қарамай майдонни 3:0 ҳисобидаги йирик ғалаба билан тарк этдилар. Учрашувда Аъзам Исматов икки тўпга муаллифлик қилган бўлса, Азиз Азимов эса ҳисобни йириклаштирди. Гуруҳдаги иккинчи ўйинда Бразилия терма жамоаси ҳам эронликлар устидан худди шу ҳисобда зафар қучишди.

«А» гуруҳининг Россия — Либерия терма жамоалари учрашувида чемпионатнинг энг йирик ҳисоби қайд этилди. Унда россияликлар рақиблари дарвозасига жавобсиз саккизта тўп йўллашди — 8:0.

Бугун Ўзбекистон терма жамоаси Эрон футболчиларига қарши майдонга тушади.

Интер-спорт

Шевченко олтинчи ўринда

Four Four Two журнали Буюк Британиянинг энг бой футболчилари рўйхатини эълон қилди. Юқори поғонани англиялик Дэвид Бекхэм забт этган. Сўнгги йилда у жамғарган пуллар миқдори 112 миллион фунт стерлинг (235,7 млн. АҚШ доллар)га етди. Иккинчи ўринни эса ундан анча паст кўрсаткични қайд этган «Ньюкасл» легионери Майкл Оуэн эгаллаган (37 миллион фунт стерлинг). Учинчи ва тўртинчи ўринлар эса Робби Фаулер ҳамда Уэйн Рунига насиб этган (ҳар бирида 30 миллион фунт стерлингдан). Рўйхатнинг бешинчи поғонасида эса «портсмутлик» Сол Кемпбелл 28 миллиони билан дунёнинг энг бой футболчиси сифатида эътироф этилган. «Челси» ўйинчиси машҳур Андрей Шевченко эса 25 миллиони билан рўйхатнинг олтинчи поғонасидан жой олган.

Ойна алмаштираман деб...

Бокс бўйича ўрта вазн тоифасидаги (72,6кг.) жаҳон чемпиони Келли Павлик оғир аҳволда касалхонага олиб кетилди. Гап шундаки, боксчи ўз уйидаги эски дераза ойналарини алмаштираётган чоғида улардан бири қўлига тушиб кетган. Шифокорлар спортчининг 108 та жойини тиккан бўлсалар-да, бу унинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатмас экан. Келлининг менежери В.Данкиннинг сўзларига қараганда, тикилган иплар икки-уч ҳафтадан сўнг олиб ташланади ва декабрь ойининг бошларида Павлик яна машғулотларга қайтади. Дарвоқе, унинг менежери журналистларга берган интервьюсида ҳазил тариқасида «Павлик ойна алмаштиргандан кўра, янги уй сотиб олганда яхши бўларди», — деб таъкидлади.

Эслатиб ўтамиз, америкалик Келли Павлик WBC ва WBO камарлари соҳиби. Бу унвонларни у шу йил 29 сентябрда Жермен Тейлорга қарши ўтказилган жангда қўлга киритган.

2008 йилнинг 16 февралида эса боксчиларнинг реванш жанги ўтказилиши мўлжалланмоқда.

Шаҳобиддин РАСУЛОВ

Истиқлол имкониятлари

...Бундан кўп эмас, беш йил бурун Тошкент вилоятининг Олмазор қўрғонида қурувчилар ҳашаматли бир бинони қайтадан реконструкция қилишаётганларида кўпчилик ҳайрон қолгани рост. Анчагина қаровсиз бўлиб қолган бу жой ўрнида кошонага ўхшаш бир коллеж биноси пайдо бўлиши, унинг атрофи ободонлаштирилиб, кўркам кўриниш олишини одамлар тасаввур ҳам қила олишмаганди. Хуллас, нимасини айтасиз, қисқагина муддат оралиғида фидойи қурувчилар меҳнати туфайли Чинозда ажойиб ва номига муносиб Олмазор қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи бунёд бўлди. Бугун эса...

Коллеж директори Муқаддамхон НОРМЕТОВА ўз ҳайратҳаяжонини шундай изҳор этади:

— Ишонасизми, мен ҳар йили коллежимизга энди остона босиб кирган ўқувчи билан ҳам ва ўз навбатида илм даргоҳимизни битириб, катта ҳаёт сари отланаётган ёш кадр билан ҳам суҳбатлашаман. Нима учун дейсизми? Тасаввур қилинг, бир замонлар 8-синф ўқувчиларини, айниқса, ўғил болаларни уқуви борми-йўқми, сўраб-суриштирмай мажбуран техник СПТУларга олиб кетишарди. Кейин нима бўларди? Деярли ярмиям ҳунар ўрганмасдан кўчага қочиб кетарди. Оқибатда ота-она бир ёқда сарсон, бола бўлса аро йўлда қолиб кетарди.

Бугун-чи? Бугун исталган коллеж дарвозасидан не-не орзуниятлар билан ҳатлаётган ўсмирнинг дунёқараши ҳам, тасаввури ҳам бутунлай бўлакча. Айниқса, рамзий маънода айтадиган бўлсам, ўзининг балоғат фасли билан хайрлашиб, қўлига «битирувчи» деган диплом олиб, мустақил ҳаёт бошлаётган ёшларни ҳавас билан кузатиб қоламиз. Улар чин маънода истиқлол фарзандлари, шу юртнинг, шу Ватаннинг келажаги эгалари.



Чинозда бир коллеж бор

унда фарзандларимиз ўнлаб ихтисосликлар бўйича таҳсил кўришмоқда

Бугун Олмазор қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида 900 дан ортиқроқ ўғил-қизлар ўнта мутахассислик бўйича таҳсил кўришмоқда. «Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш», «Молия», «Ветеринария»,«Бухгалтерия ва аудит» ҳамда мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётида катта ўрин тутувчи истиқболли соҳалардан бири фермерчиликнинг турли тармоқлари билан боғлиқ бўлимларда ўқиётганларга 52 нафар малакали педагог ва муҳандис ўқитувчилар касб-ҳунар сирларини ўргатишмоқда.

Коллежда 7 та ўқув устахонаси бўлиб, уларнинг ҳар бири коллеж бўлимларига боғлиқ соҳалар талабларига биноан ўтказиладиган ўқув амалиётларидан келиб чиқиб жиҳозланган. Шунингдек, иккита информатика хонаси тўла компьютерлар билан жиҳозланган. Энг эътиборли жиҳати, ўқувчилар ўзлари ўрганаётган касбларини нафақат назарий билимлар, балки амалий машғулотлар билан ҳам мустаҳкамлаб боришяпти.

«Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш» ихтисослиги бўйича ёшларга сабоқ бераётган Музаффар Султонхўжаевнинг айтишича, коллеж ихтиёридаги барча транспорт воситалари, шу жумладан, юк ва енгил автомашиналар ҳамда тракторлар соз ҳолатдалиги боис дарс-машғулотлар анча жонли ўтар экан. «Ветеринария» бўлимининг аълочи талабаларидан бири Малика Сатторова фахр билан ўзларига энг аввало ҲАЁТ аталмиш мураккаб «фан»дан, қолаверса, бошқа соҳаларнинг сирсиноатларидан сабоқ бераётган устозларига таҳсин айтган бўлса, эндигина биринчи курсда ўқиётган Дилдора Ортиқова эса коллежда яратилган барча шарт-шароитлардан миннатдорлигини изҳор этди.

Биз одатдагидек, коллеж раҳбариятидан эмас, балки ўқувчи-талабаларнинг ўзларидан «қайси мураббийларингиз яхши сабоқ беришади?» деб сўрадик. Аввалига иккиланиб, ийманиб турган болалар бирданига бийрон бўлиб кетишди: «Қай бирини айтсак экан-а? Зумрад Эгамбердиева, Эркин Абдувалиев, Бахтиёр Ўскенбоев, Гулнора Аҳмедова, Санжар Мухитов, Мирзахон Зайниддинов, Покиза Усеинова, Камолжон Нўрбеков, Хон Алексеевна, Усмонжон Сотиболдиев сингари фидойи устозларимиз кўп-да. Ҳаммасини бирма-бир санасак, ёзаверасизми?»

Дарҳақиқат, бу касб-ҳунар коллежининг ҳар бир фидойи ўқитувчи ва мураббийлари, яратилган шароитлар, талабалар қувончлари... ҳамма-ҳаммасини биргина мақолада акс эттириш қийин. Яхшиси, суратчимиз ниғоҳи билан бу ажиб манзараларни бир кузатинг.

Моҳинур ҚОДИРОВА

Суратларда: *Чиноздаги Олмазор қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ҳаётидан лавҳалар.*

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар. t



Диққат, ёнғин хавфсизлиги ойлиги!

Ҳурматли ҳамюртлар!

Маълумки, қиш фасли бошқа даврларга нисбатан фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжларининг бирмунча ортиб бориши ҳисобига ёнғин хавфи кўпайишига сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 ноябрдаги 543-Ф сонли фармойишига асосан бундай кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш учун республикада 15 ноябрдан 15 декабргача «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилади. Фармойишда таъкидланганидек, ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — «халқ хўжалиги масканлари ва аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлиги тадбирларини кучайтириш орқали юз бериши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш, улар оқибатида юзага келиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳолатларни кескин қисқартириш ҳамда фуқаролар орасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини кенг тарғиб этиш» — деб белгиланган.

Азиз ватандошлар! Сизлардан ушбу тадбирда фаол иштирок этишларингизни сўраган ҳолда таъкидлаймизки, бу даврларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиб, Сиз нафақат тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулкингизни, уй жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»нинг ўтказилишида фаол иштирок этганларга самимий миннатдорчилик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси.

Газетанинг навбатдаги сони 20 ноябрь, сешанба куни чиқади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети жамоаси декан муовини Фатхулла Лутфуллаевга онаси **ҲИКОЯТ ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

Мурувватли момо

деновлик 72 ёшли Зиёда Омонова Бойсундаги 12-Мехрибонлик уйи тарбияланувчиларига бу йил ҳам совға-саломлар улашди

Ўзгалар ҳолидан доим хабар олиб, кўмакка муҳтож кишиларга, етим-есирларга мурувват кўрсатадиган ажойиб, бағрикенг одамларимиз бор. Деновлик тадбиркор Зиёда Омонова ана шундай онахонлардан бири. Момони кўпчилик мурувватли, саховатпеша, олийҳиммат инсон сифатида билади.

— Ўзим етимликда ўсганман, — дейди онахон. — Ўтмиш қийинчилиги ва оғир кунларни бошимдан кечирдим. Яратганга беҳисоб шукр, бугун ҳур, тўкин-сочин замонда яшаяпмиз. Аммо мушкул дамларни унутмаслик керак. Шунда ёруғ куннинг қадрига етиб, атрофингдаги муҳтож ва дилтанг кишилар, айниқса, кўнгли ярим болакайларга қўлингдан келган ёрдамингни берсанг, дейсан киши...

Меҳрибонлик уйидаги болажонлар момони ҳар галгидек ўз қадрдонларидек кутиб олишди. Бувижон эса уларнинг ҳар бирини бағрига босди. Совға-саломлар улашилганда эса қувончлари чексиз эди уларнинг...

— Момо менга ўтган йили пахмоқ айиқча совға қилувди, — дейди Ислом Раҳмонов. — Ҳозиргача ўйнайман... Бу йил ҳам совға бердилар.

Меҳр-мурувватини болалардан аямаган табаррук онахон Зиёда Омоновадек қалби дарё инсонлар доим бор бўлсин...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Тан сиҳатлик — туман бойлик

Шаҳанднинг шифобахш булоқлари

Фарғона водийси азалдан табиий шифобахш булоқлари билан алоҳида шуҳрат қозонган. Биргина Наманган вилоятининг Чортоқ, Поп, Тўрақўрғон, Учқўрғон, Косонсой, Тошбулоқ туманлари ҳудудида ўнлаб минерал сув ҳавзалари мавжуд. Улар шифобахшлик хусусияти билан Мацеста, Чакрак, Таль каби жаҳонга машҳур сиҳатгоҳ сувларидан қолишмайди.

Табиий булоқлар сувининг шифобахшлиги аниқланиб, ундан турли хасталикларни даволашда фойдаланила бошлаганига анча йиллар бўлган. Аммо булоқлар атрофи ободонлаштирилиб, сиҳатгоҳ типида даволанувчилар учун қулай шароитлар яратиш ишлари асосан мустақиллик йилларида амалга оширилди.

Вилоят марказидан 22 километр масофада, азим Сирдарё соҳилида жойлашган «Шаҳанд» сиҳатгоҳи тиббий тизимида олиб борилган ободончилик ишлари фикримизнинг яққол тасдиғи. Сиҳатгоҳ асаб тизими, суяк-мускул, ошқозон-ичак, жигар, ўт пуфак, аёллар жинсий касалликлари, шунингдек, ҳаракат органлари — бўйин, бел-умуртқа остеохандрози ва буйрак хасталикларини даволашга ихтисослашган.

Бу ердаги ер қаъридан отилиб чиқувчи 46 даража иссиқликдаги хлоридли, натрийли, калийли, кальцийли, магнийли, сульфатли ҳамда родонли сувни беморлар шифокорлар тавсия этган режимда ичадилар ва ванна усулида қабул қиладилар. Сиҳатгоҳда 5 нафар врач ва 24 ҳамшира назоратида олиб борилаётган даволаш муолажалари Хитой ва Кореядан келтирилган замонавий тиббий жиҳозлар воситасида бажарилади. Айниқса, УЗИ — диагностика, клиник биокимё лабораторияси, электрокардиография бўлимларидан олинган натижалар ва аниқ ташхислар даволанувчиларга тиббий хизмат самарасини бермоқда.

— Ўзим шу ерда яшайман, олдинлари сиҳатгоҳ имкониятлари ва айниқса, табиий булоқлар сувидан фойдаланишга у қадар ихлос қилмасдим. Сабаби, ҳозиргидай шарт-шароит, тиббий ускуна, малакали шифокорлар ва озода, қулай хоналар йўқ эди. Шукурки, истиқлол шундай имкониятларни бизга яратиб берди, ихлосимиз ортди...

— Самарқанднинг Ургут шаҳридан келганман, — дейди Ашраф Ойдинов. — Келаси йил яна 3-4 киши менга ҳамроҳ бўлиб бу ерга келиши аниқ. Чунки даволаш натижаларини сездим, дардимдан фориғ бўлдим...

Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидан Мавлуда Сафарова, фарғоналик Мағфиратхон Маъруповалар ҳам ўз ташаккурларини изҳор этишди.

— Ўзим терапевт врачман, — дейди Мунтазам Содиқова. — Оёқларимдаги бир неча йиллик оғриқдан қийналиб, даво излаб келгандим. Бу ердаги шифоли сувдан ташқари — тозалик, сартарошлик ҳамда ошхона, муолажахона ва ётоқхоналарнинг бир жойда комплекс — мажмуа бўлиб жойлашганлиги беморлар учун жуда қулай...

— 150 ўринли, умумий майдони 25 гектарни ташкил этган сиҳатгоҳимизда остеохандроз-умуртқа поғонаси хасталиклари билан оғриган беморларни даволашда ҳозир больнеофизиотерапевтик муолажалар таъсири бўйича илмий изланишлар олиб бормоқдамиз, — дейди сиҳатгоҳ бош врачи ўринбосари Муҳаммадин Худойқулов. — Бош врачимиз Умаржон Мўминовнинг саъй-ҳаракатлари туфайли жамоада илмий изланувчанлик муҳити қарор топди. Бу ўз навбатида даволаш натижалари сифатига ҳам ижобий таъсир қилмоқда. Катта ҳамшира Муяссархон Набиева, олий тоифали физиотерапия ходими Нигора Турсунова, массажчи Жамила Аминжоновалар хизматидан айниқса, даволанувчилар мамнун. Генекология бўлими ҳамшираси Зера Саракаева сиҳатгоҳ ҳамширалари ўртасида ўтказилган кўрик-танловнинг республика босқичида муваффақиятли иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритди.

Айни пайтда сиҳатгоҳ жамоаси даво истаб келувчиларга тиббий хизмат самарадорлигини янада ошириш ва хизмат турларини кўпайтириш устида изланяптилар.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Madaniyat va sport 133-69-45, 133-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36, 133-44-55 (Tel. Faks)
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 133-12-56
Kotibiyat 133-72-83, 136-55-17
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Zayniddin MAMADALIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1049
7824 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 01.25
Topshirilgan vaqti — 02.10
1 2 3 4 5 6 7
Sotuvda erkin narxda